УДК 317

АУДИТОРИЯДАН ТАШҚАРИ МАШҒУЛОТЛАРДА МАЛАКА ОШИРИШ КУРС ТИНГЛОВЧИЛАРИНИНГ КАСБИЙ КОМПЕТЕНТЛИГИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

С.И. НЕЪМАТОВА

Мақола ўқитувчилар малакасини оширишнинг долзарб муаммоларига бағишланган. Педагог кадрларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш жараёнида тингловчиларнинг касбий компетентлигини такомиллаштириш аудиториядан ташқари машғулотларнинг аҳамияти ва улардан фойдаланишга мўлжалланган. Шунингдек, аудитория ва аудиторидан ташқари машғулотларда тингловчиларнинг касбий компетентлигини такомиллаштиришга хизмат қилувчи инновацион технологиялар ("Эгасини топ", "SWOT-таҳлил", "Сеҳрли ҳарфлар") келтирилган.

Калит сўзлар: *компетенция, касбий компетенция, компетентлик, инновация, семинар-тренинг, маҳорат дарси, давра суҳбати, онлайн мулоқот, вебинар.*

Статья посвящена актуальным в настоящее время проблемам повышения компетентности преподавателей. Рассматривается роль внеаудиторных занятий для усовершенствования профессиональной компетентности в процессе повышения квалификаци и переподготовки преподавателей. Также представлены инновационные технологии ("Найти владельца", "SWOT", "Закалдованные буквы"), которые служат для улучшения профессиональной компетентности слушателей.

Ключевые слова: *компетенция, профессиональная компетентность, компетентность, инновация, семинар-тренинг, мастер-класс, круглый стол, онлайн-общение, вебинар.*

Ҳозирги кунда таълим тизимини модернизация қилиниши халқ таълимида фаолият кўрсатаётган педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш муассасалари зиммасига, аввало, илм-фан ютуқлари, педагогик инновациялар ва таълимдаги янгиликларни тингловчилар фаолиятларига татбиқ этиш ва самарадорлигини аниқлаш учун зарур тавсияларни бериш вазифасини юклайди. Бунинг учун таълим жараёнига инновацияларни татбиқ этиш, технологик ёндашиш орқали масалага ечим топиш мумкин.

Ўқитувчининг касбий маҳорати, биринчи навбатда, таълим муассасасининг маълум бир мутахассисини ўқитиш ва тайёрлаш билан белгиланади. Бундай мутахассисни тайёрлаш касбга яхлит концептуал ёндашув (нимани ва қандай ўргатиш кераклиги тўғрисида аниқ тасаввур) ни, меҳнатнинг қийматини тан олишни (касбий мотивация), ўқитишнинг энг мақбул технологик жараёнини, ўзини ўзи бошқариш маҳоратини, ўзини ўзи ташкил этиш ва ўзини ривожлантириш техникасини (рефлексив) талаб қилади.

Педагог кадрларнинг касбий компетентлигини оширишда уларнинг касбий тайёргарлигини юксак даражада бўлиши, педагогик маҳоратнинг шаклланганлиги, замонавий педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини қўллашга оид кўникма ва малакасини пухта эгаллаш, касбий фаолиятга акмеологик, креатив ёндашув мотивациясини қарор топтириш талаб этилади.

Мазкур вазифаларнинг амалдаги ижросини таъминлашда педагог кадрларни қайта тайёр-

лаш ва малакасини ошириш жараёнларининг инновацион механизмларини ишлаб чиқиш зарурий аспектлардан бирига айланди.

Ўқитувчининг инновацион фаолияти хусусиятларини ўрганиб чиққан педагог олимлар (И.М.Осмоловская [1], К.В.Шилов [2], В.А.Адольф [3] Е.А.Алисов [4], Б.Зиямухаммедов [5], Н.Н.Азизходжаева [6], Р.Дж.Ишмуҳаммедов [7], П.Джарвис [8])нинг фикрлари асосида инновацион фаолиятнинг қуйидаги асосий белгилари ажратилди:

- ижодий фаолият фалсафасини эгаллашга интилиш;
- муаллифлик концепцияларини яратиш қобилияти;
- мавжуд янгиликларни излаб топиш ёки уларни мустақил тарзда ишлаб чиқиш;
- инновацияларни ўзлаштириб олиш ва уларни ўз педагогик фаолиятга татбиқ этиш;
- ўзаро фикр алмашиш ва методик ёрдам кўрсата олиш;
- инновацион фаолиятни амалга оширишда ҳамкасблар билан ҳамкорлик ўрната олиш;
- илмий-тадқиқот ишларини режалаштириш ва амалга ошира олиш.

Прагматик жараённинг таҳлилларига қараганда, халқ таълими тизимида фаолият кўрсатаётган ўқитувчиларнинг айримларида, айниқса, катта авлод вакилларининг кўпчилигида инновацион технологияларга нисбатан консерватив қарашлар мавжуд. Аниқроғи, шу тоифадаги ўқитувчилар илғор педагогик технологияларни рад этадилар. Улар интерфаол методлар қўлланилганда дарс жараёнида тартибсизлик, бесаранжомлик ҳолатлари рўй бериб, дарснинг самарадорлигига салбий таъсир этади, деб ҳисоблайдилар. Бундай қарашларни бартараф этиш учун малака ошириш жараёнида ташкил этиладиган машғулотларда инновацион технологияларнинг қай даражада самарали эканлигини исботлаб бериш лозим бўлади. Бунинг учун нафақат аудиториядаги, балки аудиториядан ташқари машғулотларни ташкил этишда янгича ёндашув талаб этилади.

Малака ошириш жараёнларида катталар таълимини ташкил этишнинг инновацион технологияларга асосланган ахборот-методик таъминотини белгилаш самарали натижаларга олиб келади. Бу борада олиб борилаётган назарий ва амалий ишлар, энг аввало, катта ёшли таълим субъектларининг касбий эҳтиёжларини ўрганиш асосида ўзини ўзи шахсий ва касбий ривожлантириш имконини берувчи ижодий таълим муҳитини яратишни англатади. Демак, халқ таълими муассасалари педагог кадрларининг касбий компетентлигини ривожлантиришда унинг амалий-технологик тизимини такомиллаштиришга ҳам эътиборни қаратиш лозим.

Таълим соҳасида катта ёшдаги инсонларни ўқитиш жараёнини ташкил этишда янги инновацион ёндашувларга бўлган зарурат ва катталар таълими аҳамиятининг ўсиб бориши алоҳида сезилмоқда. Дунёда ушбу тизимга технологик, ижтимоий-иқтисодий, маданий жиҳатдан ривожланиши билан эҳтиёж сезмаган давлатнинг ўзи мавжуд эмас. Катталар таълимидаги тарихий ўзгаришларга хос бўлган тенденциялар унинг мазмуний ва ташкилий хусусиятларга эга бўлиши, фақат катталар таълимига ихтисослаштирилган муассасалар тизимининг кенгайиши, улар томонидан таклиф қилинаётган таълим дастурлари турларининг кўпайиши билан белгиланади.

Малака ошириш тизими педагог кадрлар меҳнати мазмуни ва характерига мувофиқ йўналтирилган ижтимоий талаблардаги муҳим силжишларга сезгирлик билан жавоб бера олиши, соҳани такомиллаштириш борасидаги ижтимоий талабларни тўла қондириш учун тизимга жаҳон таълимининг энг илғор ютуқларини фаол татбиқ этиш, ўқитувчи ва ўқувчилар ўртасидаги ўзаро ҳамкорликка асосланувчи ўқитиш методларидан кенг кўламда фойдаланиш ҳамда педагогларнинг касбий фаолиятларига нисбатан инновацион ёндашишга эришиш тақозо этилади.


Ўқитувчиларнинг малакасини ошириш тизимида ўқув жараёнини ташкил этиш шаклларини лойиҳалаштириш учун аниқланган педагогик шартлар улар учун тизимдаги ўқув фаолиятнинг мазмуни асослари сифатида ифодаланади. Бу эса катталар психофизиологик хусусиятларига мос келадиган ўқув жараёнини ташкил этишнинг инновацион технологияларидан фойдаланишга етарлича эътибор беришни талаб қилади.

Тадқиқотимизда аудиториядан ташқари машғулотларда малака ошириш тингловчиларининг касбий компетентлигини такомиллаш-

тиришни мақсад қилиб олдик. Чунки бу жараён қисқа муддат бир ойга мўлжалланган бўлиб, дарс жараёнида дастур мазмунини тўлиқ ўзлаштиришлари талаб этилади. Курс якунида тингловчилар билими онлайн усулда чиқиш тестлари орқали баҳоланади. Уларнинг дарсдан бўш вақтлари (аудиториядан ташқарида) касбий компетентликни ривожлантириш имконияти катта.

Малака ошириш тизимида тингловчиларни ўқитиш жараёнини ташкил этиш шаклларини янгилаш, юқори сифатли кадрлар кўмаги билан амалга оширилиши керак. Ўқитувчиларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимида кенг кўламли ислоҳотлар олиб бориш зарурлигини англатади.

Юқорида келтирилган педагогик шартлар асосида малака ошириш жараёнида инновацияларни татбиқ этиш орқали тингловчиларда касбий компетентликни такомиллаштириш учун қуйидаги аудиториядан ташқари машғулотлар таклиф этилди (1-расм):



1-расм. Аудиториядан ташқари машғулотлар жараёнида тингловчиларда касбий компетентликни такомиллаштиришнинг педагогик механизмлари.

Семинар-тренинг. Бизнинг фикримизча, ўқитувчиларнинг касбий компетентлигини оширишнинг энг истиқболли шаклларидан бири семинар-тренингларни тизимли ташкил этишдан иборат.

Семинар-тренинг мобайнида мустақил ўқиш ва ҳамкорликда ишлаш, ўз-ўзини таҳлил қилиш ва ўзини ривожлантириш учун энг мақбул шароитлар яратилади.

Семинар-тренингни ташкиллаштириш жараёни бир нечта босқичларда амалга оширилади:

гуруҳ бўлиб ишлашнинг қоида ва тамойилларини қабул қилиш;

очиқлик ва самимийлик муҳитини шакллантириш;

касбий вазифалар ечимининг самарали моделлари билан таништириш;

ушбу моделларни индивидуал қобилиятларни ҳисобга олган ҳолда ўзлаштириш;

рефлексив хулоса.

Аудиториядан ташқари ҳолатда ташкил этиладиган таълимнинг давра суҳбати шакли – мавжуд билимларни қўшимча керакли ахборот билан тўлдириш муаммоларни ечиш кўникмаларини шакллантириш, фикрни қайта мустаҳкамлаш, мунозарани олиб бориш маданиятини ўргатувчи фаол таълим усули бўлиб, когнитив фаолиятнинг асосий қисми ҳисобланади. Унинг характерли жиҳати – мавзуга оид тортишувнинг гуруҳли маслаҳат орқали олиб борилиши билан белгиланади.

Иштирокчиларнинг бир-бирларини кўриши имкониятларини яратиш учун столлар айлана бўйича қўйиб чиқилади. Мунозаранинг тайёрланган мавзуси киритилади ҳамда фикрлар ва қарорлар сўралади.

Малака ошириш жараёнида давра суҳбати машғулотларидан фойдаланишдан мақсад таълим олувчилардаги мавжуд маълумотларни мустаҳкамлаш, мустақил ишлаш кўникмаларини ошириш, касбий ўз-ўзини таҳлил қилишдан иборат. Бу эса тингловчиларда фикрни тўла баён қилиш, асослаш, таклиф этилган ечимни тасдиқлаш, уни ҳимоя қилиш, ўз устида мустақил ишлаш каби касбий компетенция элементларини такомиллаштиришга асос бўлади.

Асосий масала сифатида қуйидагилар белгиланади:

белгиланган мавзу мунозараларида бир неча муаммоли, ўткир вазиятлар муҳокамаси;

турли дидактик материаллардан (схемалар, диаграммалар, слайдлар, графиклар аудио ва видео ёзувлар) асосида ўз фикрини намоён этиш;

асосий фикр билдирувчиларни пухта тайёрлаш (маъруза, ўз фикрини ифода этиш, шарҳлар билан чекланмаслик, аргументлар, исботлаш).

Қуйида давра суҳбатини ташкил этишда ҳисобга олиниши лозим бўлган айрим хусусиятлар:

давра суҳбати ҳақиқатда даврада ташкил этилиши лозим, яъни боғланишлар, муаммолар тўғрима-тўғри бўлиши керак. Давра суҳбати тамойили (музокараларда бекорга танланмаган), яъни оддий дарсдаги каби орқасида жойлашмай иштирокчиларининг юзма-юз жойлашиши фаолликни кучайтиради, ҳар бир тингловчини муҳокамада иштирок этишини таъминлайди, мимика, эмоционал кўринишлар, имо-ишораларни ишлатиш имконини яратади.

умумий даврада ўқитувчининг ҳам иштироки гуруҳнинг тенг аъзоси каби ифодаланади, бу эса умумий ҳолда ўқитувчининг формал вазиятидан анча яхши. Классик ҳолда иштирокчилар фикрларини ўқитувчига айтадилар, яъни бир-бирларига эмас. Агар ўқитувчи давранинг марказида бўлса, тингловчиларнинг бир-бирларига мурожаатлари анча хусусий бўлади, бу эса ўқитувчи ва ўқувчилар орасида мунозара ва ўзаро тушуниш муҳитини яхшилашга имкон беради.

Малака ошириш курс тингловчилари билан ташкил этиладиган **маҳорат дарслари** (баъзи адабиётларда “Мастер класс” деб номланган) – бу ўзи (муаллиф)нинг янги концептуал ғояларини етказиш воситаси сифатида ўтказиладиган ўқув шакли ҳисобланади. Ўқитувчи ўз касбининг моҳир устаси сифатида қатор йиллар давомида мақсадлилик, лойиҳалаштириш, маълум дидактик ва тарбиявий усуллар, машғулотлар, тадбирлардан фойдаланган ҳолда таълим олувчиларнинг турли тоифаларини инобатга олиб ўзининг (муаллифлик) услубий тизимини яратади.

Маҳорат дарси қуйидагилар билан тав-

сифланади:

фикрлар алмашиш мақсадида кичик гуруҳларда мустақил ишлаш;

барчани фаол жараёнга жалб қилишга шароит яратиш;

муаммоли вазиятни ташкил қилиш ва турли вазиятларни қўллаган ҳолда муаммони ҳал этиш;

иштирокчиларнинг ижодий салоҳиятларини намоён этувчи услублар;

шакл, усул, технологиялар иштирокчиларга мажбуран эмас, таклиф этиш орқали амалга оширилиши лозим;

ўзаро алоқа шакли – ҳамкорлик, биргаликдаги ижодкорлик, ҳамкорликдаги изланиш [9. Б. 109].

Демак, маҳорат дарслари – таълим олувчининг мустақил ва креатив (ижодий) фикрлаши-ни ривожлантириш, касбий ўз-ўзини такомил-лаштириш ҳамда педагогик муаммони тез ва сифатли ҳал этиш кўникмасини ошириш каби мақсадларни белгилайди.

Маҳорат дарсини ташкил этишда қуйидаги вазифалар белгиланади:

таълим олувчига танланган мутахассисликка профессионал муносабатлар асосини ўргатиш;

ўз иш тажрибасини тақдим этишнинг аниқ шакл ва усулларидан фойдаланиш;

таълим жараёнида самарали бўлган иш усулларини ўргатиш (усул, метод, методика ёки технология).

“Эгасини топ” методи орқали тингловчиларда касбий компетенциянинг когнитив компоненти такомиллаштириш имконияти яратилади.

Мазкур метод малака оширишнинг барча тоифа курс тингловчилари учун мўлжалланган бўлиб, тоифага қараб топшириқлар мазмуни ўзгариши мумкин. Масалан, она тили ва адабиёт курс тингловчилари учун профессор-ўқитувчи томонидан қўшма гап турлари номи (эга эргаш гапли қўшма гап, сабаб эргаш гапли қўшма гап. в.б.) А4 форматли қоғозга ёзиб тингловчиларга берилади ва шу қўшма гапга оид мисол айтилади, кимнинг калит сўзга мисоли тўғри келса, юқорига кўтариб тасдиқ-лаши керак бўлади.

Аниқ фанлар йўналишидаги курс тингловчилари билан мураккаб формулалар, теоремалар, аксиомалар, қонун ва қонуниятлар мисолида ташкил этилса, табиий фанлар йўналишидаги тингловчилар билан эса жадваллар, штрихлар, белгилар, символлардан фойдаланган тарзида ўтказилиши мумкин.

Методни ўтказиш мобайнида тингловчилар томонидан когнитив компетенция, белгиланган материалларни тўлиқ ўзлаштириш, кўрсатилган маълумот кимга тегишли эканлигини аниқлаш ва қисқа вақт ичида эгалланган билимларни баҳолаш имкониятига эга бўлинади. Маҳорат дарсларини ташкил этишда қуйидаги инновацион методлардан фойдаланишни тавсия этамиз:

“SWOT – таҳлил” методи.

Биз ушбу методни бугунги кунда шиддат билан ривожланаётган жамиятда ўқитувчи фаолияти, яъни компетентли ўқитувчи қандай бўлмоғи керак деган саволга жавоб топишимиз мумкин.

“SWOT” – методи инглизча сўз бирикмаларининг қисқартмасидан ҳосил бўлган. Ушбу метод бир масаланинг тўрт қиррасини кўриб чиқиш имконини беради.

Қўллаш тартиби бугунги кунда ўқувчи шахсини ривожлантиришга йўналтирилган таълимни жорий этишда ўқитувчидан нималар талаб қилинади, умуман, замонавий ўқитувчи қандай бўлиши керак? деган саволларга жавоб беришга ҳаракат қилинг. Яъни бу методни амалга оширишда қуйидаги масалаларига эътиборни қаратинг.

Методнинг мақсади: мавжуд назарий билимлар ва амалий тажрибаларни таҳлил қилиш, таққослаш орқали муаммони ҳал этиш йўлларни топишга, билимларни мустаҳкамлаш, такрорлаш, баҳолашга, мустақил, танқидий фикрлашни, ностандарт тафаккурни шакллантиришга хизмат қилади.

S – (strength) – кучли томонлари

W – (weskne) – заиф, кучсиз томонлари

O – (opportunities) – имкониятлари

T – (Threat) – тўсиқлар

Намуна: Ўқитишда мультимедиа воситаларидан фойдаланишнинг кучли ва кучсиз томонлари, ички имкониятлари ҳамда ўқитишда мультимедиа воситаларидан фойдаланишга тўсқинлик қилувчи ташқи хавфларни ушбу жадвалга туширинг.

S	Компетентли ўқитувчининг устунлик жиҳатлари	
W	Педагогик компетентликни такомиллаштиришда ўқитувчининг заифлик жиҳатлари	
O	Ўқитувчи ўз касбий компетентлигини такомиллаштиришда қандай имкониятлар мавжуд	
T	Ўқитувчида педагогик компетентликни оширишга тўсқинлик қилувчи омиллар	

Бу метод тингловчиларда касбий малака, кўникма ва билимларини такомиллаштиради, шунингдек, касбий компетентлик бўйича муайян билимларини ривожлантиришга хизмат қилади.

“Сеҳрли ҳарфлар” методи ҳам малака ошириш курсларининг барча тоифа тингловчилари учун мўлжалланган бўлиб, курс тоифаларига қараб топшириқлар ўзгартирилади.

Дастлаб тингловчилар гуруҳларга бўлинади. А4 форматда ҳарфлар ёзилган топшириқлар иловаси тақдим этилади ва белгиланган вақт мобайнида (ижтимоий фан ўқитувчилари мутахассисликларига оид матн (чет тили ўқитувчилари чет тилида, тарих (тарихий матн)) аниқ ва табиий фанлар таълими ўқитувчилари атамалар) матн ва атама ёзиш вазифаси топширилади.

Навбатдаги босқичда гуруҳ вакиллари томонидан тақдимот ташкил этилиб, энг мазмунли матн ва атамалар изоҳи келтирилади. Ушбу метод аудитория ва аудиториядан ташқари машғулотлар учун мўлжалланган бўлиб, семинар-тренинглар, давра суҳбатлари ва ўқув жараёнида самарали фойдаланиш учун мўлжалланган.

Методни ўтказиш натижасида тингловчиларда белгиланган ҳарфлар билан бошланувчи матн тузиш, фанга оид атамалар устида ишлаш кўникмаси ошиб, нутқий ва когнитив компетенция ривожланади.

Маҳорат дарсини ўтказиш методикасининг аниқ, умумий меъёрлари йўқ. Кўп ҳолларда таълимнинг ушбу шакли ўқитувчининг интуициясига, шу билан бирга, таълим олувчининг бадиий қабул қилишига асосланади.

Малака ошириш тингловчиларида касбий компетентлиликни такомиллаштириш мақсадида **вебинар технология**лардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Вебинар (инглизча “webinar” – web-based seminar) турли онлайн тадбирлар (семинар, конференция, баҳс-мунозара, учрашув, тақдимот, айрим ҳолатларда тренинг, турли ҳодисалар бўйича тармоқ трансляциялари (компьютер ёки Интернет тармоғида намойиш этиладиган лавҳалар) ва таълим воситаларини англатишга хизмат қилади [10. Б. 106]. Демак, вебинар машғулотлари тингловчилардаги АКТ компетенцияларини такомиллашувига ёрдам беради.

Педагоглар мазкур технологияларни ўзлаштириш мобайнида инновацион ўқув машғулотларини самарали ташкил этиш қобилиятига эга бўладилар. Шу билан бирга, таълим иштирокчилари учун вақт ҳамда бошқа ресурсларни тежаш имконияти яратилади. Чунки онлайн интерфаол таълим бир қатор шарт ва қоидаларга амал қилишни талаб этиб, қулай вақт ва маълум шароитда ташкил этилади. Бу эса таълим иштирокчиларидан ахборот таълимига оид муайян кўникмаларга эга бўлишликни тақозо этади.

“Менинг касбий қийинчилигим”, “Ёш ўқитувчига ёрдам”, “Дарсда паст ўзлаштирувчи ўқувчи билан ишлаш”, “Мен креатив педагогман, чунки...” каби мавзуларда семинар-маслаҳат шаклида вебинар машғулотини ташкил этиш тавсия этилади.

Мақсад: тингловчилар томонидан ўқув материалининг пухта ўзлаштирилишини таъминлаш; мавжуд билимларини мустаҳкамлаш; ўзаро тажриба алмашиш; билиш фаолиятини мустақил ташкил этишда йўл қўйилган камчиликларини тўғрилаш; касбий фаолият кўникма ва малакаларини ўзлаштиришдир.

Бу турдаги машғулотнинг дастурий таъминоти мутахассислар томонидан таъминланади. Айни вақтда вебинар машғулотлар турли тижорат (Webinar.ru, Comdi, Mirapolis Virtual Room ва б.) ҳамда эркин тарқатувчи (OpenMeetings,

OnWebinar ва ҳ.к.) серверлар ёрдамида ташкил этилади [10. Б. 124].

Тингловчиларда топшириқларни бажариш ва мустақил таълим олиш мақсадида **онлайн мулоқот** шаклидан фойдаланилади. Бунда ўқитувчи касбий компетентлилигини такомиллаштиришга оид маълумотлар, қўшимча материаллар тингловчига онлайн тарзда тақдим этилиб, мустақил бажариш учун вазифалар бериб борилади.

Демак, катталар таълимини ташкил қилиш у ёки бу ёш даври билан боғлиқ бўлган психологик хусусият эмас, балки унинг ўқишида танаффус бўлганлиги муҳим таъсир кўрсатади. Улар учун тўғри ташкил қилинган таълим фаолияти касбий мотивацияни оширишга, ҳаётий воқеаларни тушунишга имкон беради, одамларни умуминсоний қадриятлар асосида бирлаштиришга кўмаклашади, ижтимоий ва касбий ҳаракатчанлигини ривожлантиради, ўзи учун ҳаётнинг мазмунини, жамиятдаги ўз ўрнини, ўзининг инсоний ва фуқаролик бурчини аниқлашга ёрдам беради.

Юқоридаги келтирилган инновацион таълим шакллари ва технологиялари орқали малака ошириш курси тингловчиларида касбий компетентликни янада такомиллаштириш имконияти яратилади.

Хулоса қилиб айтганда, таълим сифатини таъминлашда нафақат ўқитувчининг маҳоратини ошириш, балки унинг ўз касбига бўлган ижобий мотивациясини ривожлантириш, рефлексив фаолиятни жадаллаштириш, шу билан бирга узлуксиз касбий ривожлантириб бориш ҳам муҳим саналади.

Адабиётлар:

1. *Осмоловская И.М.* Инновации и педагогическая практика. // Народное образование, 2010. – № 6. – С. 184–185.

2. *Шилов К.В.* Классификация инноваций. // Инновации в образовании, 2007. – № 3. – С. 50–53.

3. *Адольф В.А., Ильина Н.Ф*. Инновационная деятельность педагога в процессе его профессионального становления. – Красноярск: Поликом, 2007. – 190 с.

4. *Алисов Е.А., Подымова Л.С*. Инновационная образовательная среда как фактор самареолизации личности. // Среднее профессиональное образование., 2001. – № 1. – С. 61–62.

5. *Зиямухаммедов Б., Зиямухаммедова С*. Новая педагогическая технология. – Ташкент: Абу Али ибн Сино, 2002. – 120 с.

6. *Азизхужаева Н.Н.* Ўқитувчи тайёрлашнинг педагогик технологияси. – Тошкент: Абу Али ибн Сино, 2000. – 196 б.

7. *Ишмуҳаммедов Р., Юлдашев М*. Таълим-тарбияда инновацион педагогик технологиялар (таълим тизими ходимлари, ўқитувчилар, тарбиячи ва мураббийлар, методистлар учун ўқув қўлланма) – Тошкент: Ниҳол, 2013. – 272 б.

8. *Jarvis P.* Adult Education and Lifelong Learning: Theory and Practice. – London: RoutledgeFaimer, Tailor and Francis Group, 2004. – 382 p.

9. *Жўраев Р., Юлдашев М., Рахманқулова Н., Бахромов А., Закиров А.* Педагог кадрлар малакасини ошириш механизмини такомиллаштириш. – Тошкент: ООО “ADAD PLYUS”, 2014. – 160 б.

10. *Муслимов Н.А., Усмонбоева М., Мирсолиева М.* Инновацион таълим технологиялари ва педагогик компетентлик. Ўқув-услубий мажмуа. –Тошкент, 2016. – 227 б.

TECHNOLOGIES OF IMPROVING THE PROFESSIONAL COMPETENCE OF COURAGE COURSES IN OTHER CLASSROOM ACTIVITIES

S.I. Ne'matova[1]

Ilmiy xabarnoma. Seriya: Pedagogik tadqiqotlar – Scientific Bulletin. Series: Pedagogical Research. 2021. 6(58). 14–22.

[1]Republic of Uzbekistan ministry of public education Namangan regional center of retraining and in-service training personnel of public education, (Namangan), 160100, str., I.Karimov (Uzbekistan). E-mail: namangan_moi@umail.uz

Keywords: competence, occupational competence, skills innovation, seminar-training, master delivise, roundtable, webin, online communication.

The article is devoted to increasing the competence of the current estimated teaching skills, competency. In this article, improving the professional competence of students in the process of retraining and advanced training staff, the importance and use of training activities, except classrooms are discussed. However, other classrooms provide innovative technologies that serve to improve the professional competence of the audience.

The professionalism of the teacher, primarily, is determined by training and preparing a specific specialist of the educational institution. The preparation of such an expert is a conceptual approach (what and how to teach (vocational motivation), the most optimal technological process, self-government, self-control and self- control techniques (reflexive) does.

According to the analysis of the process, some of the teachers working in the public education system, especially in the majority of representatives of the older generation, have conservative views on innovative technologies. More precisely, this categoriy of specialist reject advanced pedagogical technologies. When they use interactive methods, the lessons become in disorder, illicitations, and there are a negative impact on the effectiveness of the lesson. Elimination of such views, it is necessary to prove how effective the innovative technologies are organized in the training process. To do this, a new approach is required not only in the audience, but also in the organization of training.

Increasing their professional training in the improvement of the professional competence of teachers, the formation of pedagogical skills, creative approach to professional activities is required to decide. The development of innovative mechanisms of retraining and advanced training processes of teachers of these tasks has become one of the necessary aspects.

In the study, we have set the goal of improving the professional competence of the audience of advanced training in extraordinary training. Because this process is intended for a short period of time, and in the course of the course requires the content of the program. At the end of the course, the knowledge of the audience is evaluated online through examination tests online. Their currency can afford to develop professional competence of free time (outside audience).

By the implementation of innovations on the basis of the above-mentioned pedagogical conditions, we invited the following audience workouts to improve the professional competence through the audience. In particular, the effective use of innovations can be achieved through the effective use of innovations such as a seminar-training, roundtable, master class, webinter and online communication.

In conclusion, it is also important to improve the teacher's skills, but also develop the positive motivation for its profession, accelerating reflectional activities, while accelerating the uninterruptible development.

References:

1. Osmolovskaya, I. M. (2010 Innovacii i pedagogicheskaya praktika [Innovation and Pedagogical Practice]. *Narodnoe obrazovanie*. No 6. Pp. 182-185.

2. Shilov, K.V. (2007) Klassifikaciya innovacij [Classification of innovation]. *Innovacii v obrazovanii.* No 3. Pp. 50-53.

3. Adolf, B.A., Ilina, N.F. (2007) *Innovacionnaya deyatel'nost' pedagoga v processe ego professional'nogo stanovleniya* [Innovative activities of the teacher in the process of its professional formation]. Krasnoyarsk: Polikom.

4. Alisov, Ye.A., Podimova, L.S. (2001) Innovacionnaya obrazovatel'naya sreda kak faktor samareolizacii lichnosti [Innovative educational environment as a personalization factor of personality]. *Srednee professional'noe obrazovanie.* No 1. Pp. 61-62.

5. Ziyamuxammedov, B., Ziyamuxammedova, S. (2002) *Novaya pedagogicheskaya tekhnologiya* [New pedagogical technology]. Tashkent: Abu Ali ibn Sino.

6. Azizxujaeva, N.N. (2000) *O'qituvchi tayyorlashning pedagogik texnologiyasi* [Pedagogical technology of teacher training]. Tashkent: Abu Ali ibn Sino.

7. Ishmuhammedov, R., Yuldashev, M. (2013) *Ta'lim-tarbiyada innovatsion pedagogik texnologiyalar (ta'lim tizimi xodimlari, o'qituvchilar, tarbiyachi va murabbiylar, metodistlar uchun o'quv qo'llanma)* [Educational

pedagogical technologies in education (staffing manual, teachers, educators and coaches, meters of textbooks)]. Tashkent: Nihol.

8. Jarvis, P. (2004) Adult Education and Lifelong Learning: Theory and Practice. London: RoutledgeFaimer, Tailor and Francis Group.

9. Jo'raev, R., Yuldashev, M. (et.al.) (2014) *Pedagog kadrlar malakasini oshirish mexanizmini takomillashtirish* [Improving the mechanism of professional development training]. Tashkent: OOO "ADAD PLYUS".

10. Muslimov, N.A. (et.al.) (2016) *Innovatsion ta'lim texnologiyalari va pedagogik kompetentlik (O'quv-uslubiy majmua)* [Innovative education technologies and pedagogical competence (Teaching aids)]. Tashkent.

Муаллиф ҳақида маълумот:

НЕЪМАТОВА Самияхон Илҳомжоновна – Наманган вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази, педагогика, психология ва таълим технологиялари кафедраси ўқитувчиси. E-mail: samiyaxon88@mail.ru